# Пойча ёки туёққа (меҳмондорчиликка) таклиф қилинсам ҳам

10:11 / 22.11.2018    2081

وَعَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: **«لَوْ دُعِيتُ إِلَى كُرَاعٍ أَوْ ذِرَاعٍ لأَجَبْتُ، وَلَوْ أُهْدِيَ إِلَيَّ ذِرَاعٌ أَوْ كُرَاعٌ لَقَبِلْتُ».** رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

610/9. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Пойча ёки туёққа (меҳмондорчиликка) таклиф қилинсам ҳам, бораман. Менга пойча ёки туёқ ҳадя қилинса ҳам, қабул қиламан»**, дедилар».

Имом Бухорий ривоятлари.

**Фойда**: Арзимас озгина нарса тайёрлаб чақирилса тавозуъ қилиб бориш. Ҳамда озгина нарса ҳадя қилса уни қабул қилишга тарғиб.